



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 1-may № 53 (3090) seshamba

Янги кун янгиликлари

Инвесторларга қулайлик

Навой эркин индустриал-иқтисодий зонасида «Ханжин Навоий» мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. «Korean AIR» компанияси куриб битказган ушбу бино компаниянинг вилоят ҳудудида фаолият олиб борадиган ишчи ходимлари ҳамда инвесторларга мўлжалланган.

Янги бино лойиҳасининг умумий қиймати 12,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Уч бўлимдан иборат бинода 51 та кватирани, бизнес маркази, фитнес клуб, бассейн, сауна, ресторан ва бар жойлашган. Ҳар бир объект олоҳида дизайн, юксак замонавий услубда барпо этилган.

Дилфуза ҒУЛОМОВА

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг бир гуруҳ мутасадди ва фаоллари Қашқадарё вилоятида бўлиб, бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

Кизгин фикр алмашинди

Тармоқ касба уюшмаси марказий кенгаши раис ўринбосари Гулнора Фозилова бошланғич ташкилотлар олоҳида турган устувор вазифалар ҳақида батафсил маълумот берган бўлса, бўлим мудири Марзия Исакова меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида касба уюшмаси ташкилотларининг ўрни ва амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар ҳусусида алоҳида тўхтади.

Ўқув кизгин фикр алмашулар ва савол-жавоблар руҳида давом этди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Фермерлар учун ўқув маркази

Тошкент Аграр университетидида «Фермерлик ва оилавий бизнес истиқболлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. У «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Тошкент вилояти бўлими ва Олий Махлус ҳузуридидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидининг грант лойиҳаси асосида ташкил этилди.

Тадбирда иштирокчиларга мамлакатимизда фермерлик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ҳамда фермерларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини оширишга доир тушунчалар берилди.

Семинарда грант лойиҳаси раҳбари Гулнечра Пулатова Оҳангарон туманида «Фермер ҳўжаликлари учун консултатив ўқув маркази» ташкил қилинганлиги ва унинг бутунги кундаги фаолияти, эришилган ютуқлари ҳақида йиғилганларга маълумот бериб ўтди. Фермер ва олимлар ушбу лойиҳанинг моҳияти, унинг эртанги истиқболли ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Жамшид ЭРҒАШЕВ, «Ishonch» мухбири



Давлат таълим стандартлари асосида

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ёш авлоднинг билимли, юксак маънавиятли ва салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашда муҳим омил бўлаётган. Фарғона давлат университетидида ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар ўз самараларини бермоқда.

Таълим тизими ва иқтисодиётнинг турли соҳалари учун ма-

лакали мутахассислар тайёрланаётган ушбу маърифат масканида 6 мингдан зиёд йигит-қиз сабоқ оломоқда. Ёшларнинг давлат таълим стандартлари асосида билим олиши учун бу ерда зарур барча шароитлар яратилган.

Дарслар жараёнида янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, электрон дарслик-

лар, мултимедиа воситаларидан кенг фойдаланилиши таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Суратда: филология факултети 4-курс талабалари (чапдан) Қобилжон Қаҳҳоров, Азизбек Ахтамов, Юлдуз Шодиева ва Азиза Маъмурова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Тинчлик — улуғ неъмат

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Тошкент вилоятида 750 нафардан ортиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони истиқомат қилади. Шу кунларда вилоят ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси, «Махалла» хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар кўмитаси, мудофаа ишлари бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирларда уруш ва меҳнат фахрийларига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишмоқда.

Ўтказилаётган учрашув ва давра суҳбатларида мустақиллик, тинчлик энг азиз неъмат экани, мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар замирида ана шу неъматларни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш масъулияти муҳасаммилиги, ёшларимизни она Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилаётган эътибор самаралари ҳусусида сўз юритилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг жасорати ва фидойилиги ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида алоҳида ўрин тутди, — дейди «Махалла» хайрия жамоат фондидининг Тошкент вилояти бўлими раиси Х.Эрматов. — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирок этаётган тадбирларда эл-юрт маъмуричилиги йўлида фидокорона меҳнат қилган нуронийларимизнинг бой ҳаётий тажрибаси, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни Ватанга садоқат, келажакка ишонч руҳида камол топтириш йўлидаги беқисс хизматлари алоҳида эътироф этилмоқда.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига Президентимизнинг фармонида белгиланган пул мукофотларини топириш учун ишчи гуруҳлари тузилди. Улар махалла фаоллари билан биргаликда уруш ва меҳнат фахрийларининг хонадонларига ташриф буюриб, байрам совғаларини топиришмоқда.

Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, — дейди Бўстонлик тумани Хўжакент маҳалласида истиқомат қилаётган Аширбой ота Пулатов. — Минг шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободлиги, рўзгоримиз тўкинлиги ана шу тинчлик шарофатидир. Бундай ёруғ кунларнинг қадрига етиш — ҳар биримизнинг бурчимиз. Биз, кексалар буни ёшларга ўқитишдан сира чарчамаймиз.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА мухбири

ЎЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Хадемай орзиқиб қутилган ёз мавсуми бошланади. Албатта, таралдууд қанча эрта бошланса, имкониятлар шунча кенгайди. Шу боис оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш масаласига эътибор куннинг энг муҳим мавзусига айланган.

МАВСУМ АРАФАСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилоят ҳокимлиги ҳамда касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши хошида «Ўзги соғломлаштириш штаби» иш бошлади. Мақсад шаҳар, туман ҳокимликлари, корхона ва ташкилотлар томонидан тасарруфдаги болалар оромгоҳларини 2012 йил ёз мавсумига сифатли тайёрлаш, зарур инвентарлар ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда мавсум давомида талаб даражасида фаолият юритишни таъминлашдир.

Вилоятда жорий йилнинг ёз мавсумида жами 60 та (шундан 19 таси шаҳар четидаги ва 41 таси кундузги) оромгоҳлар фаолият кўрсатиши, уларда 19 минг 100 нафар бола, шундан 9930 нафари шаҳар четида оромгоҳларда дам олдирилиши режалаштирилган.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсат мажлисида болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришининг ўтган йилиги мавсуми таҳлил этилиб, 2012 йилда ишчи-хизматчилар

фарзандларини соғломлаштиришда низом талаблари асосида иш олиб бориш, мазмунли дам олишни ташкил этиш учун барча бўғин касба уюшма ташкилотлари зиммасига аниқ вазифалар қўйилди. Қўқламда вилоятнинг шаҳар четидаги оромгоҳларида ҳашарлар ўтказилиб, ҳудудларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, очик майдонларга баҳорги экинлар экиш ишлари ташкил этилди. Оромгоҳлардаги 1,8 га бўш майдонга 2500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Вилоят бирлашмаси кенгаши тасарруфдаги «Боғишамол» оромгоҳида катта қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунига етай деб қолди. Бу ерда болаларнинг мазмунли дам олишлари учун керакли шароит яратилмоқда.

— Оромгоҳимизга Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан 341 млн. сўм маблағ ажратилди, — дейди бирлашма кенгаши раиси Қодиржон Парпиев. — Ўтган йил оромгоҳда 200 ўринли бино қурилиб, 100 ўринли ётоқхона таъмирдан чиқарилган. Бу йил эса, ёзги ошхона тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ёзги амфитеатр ва 8 та миллий кўринишдаги болалар айвонлари қурилиши мавсумгача якунланади.

ҚУРИЛИШ САНОАТИ ОДИМЛАРИ

Қумқўрғондаги «Сурхон комбинати» МЧЖ йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири. Бу ерда автомобил йўллари, саноат ва қурилиш корхоналари, мелiorация ташкилотлари буюртмаси асосида темир-бетон буюмлари тайёрланади. Таъминотдаги узмишлар туфайли 2009 йилга келиб корхона деярли банкротлик даражасига тушиб қолган. Аммо ишбилармон муҳандис-техник ходимлари имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, одамларни иш билан таъминлаш, иқтисодий аҳволи соғломлаштириш чораларини излашди. Корхона раҳбари Ўрол Жабборовнинг ташаббускорлиги қўла келди. Корхонани ўнлаш бўйича тайёрланган лойиҳалар «Ўзсаноат-қурилишбанк»га тақдим этилди.

Маҳсулот таннархи арзонлашади

2010 йилнинг март ойида банкдан бир йил муддатга 1 миллиард сўм кредит олинди. Бу маблағга цемент, металл, қум, тошшағал ва бошқа зарур хомашёлар харид қилинди. Қарабизки, сал ўтмай цехларда иш қизгин тус олди. Ишчи-хизматчилар уч сменада меҳнат қилиб, фақат сифатли темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш ҳаракатига тушдилар. Буюртмалар ҳам кўпайгандан кўпайди. Йил охирига бориб 3,5 миллиард сўмлик темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Натижада банкдан олинган кредит ва фоиз пуллари қопланди. Даромаднинг қолган қисми ишчи-хизматчиларни маош билан таъминлашга, яхши ишлаганларни рағбатлантиришга, ишхонада қулай иш шароитлари яратиш ва тақрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланди.

Бугун корхонада автомобил йўллари учун бетон кўприклар, сел йўли учун тўрт бурчакли қувурлар, чорва моллари ўтиши учун бетон тунеллар, йўл четларига қўйиладиган бардорлар ва деворчалар, уй-жойлар учун бетон плиталар, ҳар хил ҳажмдаги таянч устуналари, хуллас, 200 хилга яқин темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Илгорлар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Юқори босимда қувур цехи ишчиси Незмат Раҳмонқулов, бош муҳандис У. Хуррамов, темир-бетон қуёв цехи ишчиси Қ. Чориев, назорат бўлими бошлиғи Х. Маматқулов сингари корхона жонқурлари бошқаларга ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Иқтисодий жиҳатдан қаддини тиклаган корхона жамоаси жорий йилнинг учинчи чораги мобайнида 175 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришди.

Ишбилармон раҳбар яна бир янгилик яратиш йўлида ҳаракат бошлаган. Корхонада ишлаб чиқариладиган темир-бетон буюмлари сифатини янада яхшилаш ва нархини арзонлаштириш мақсадида Қумқўрғон тумани ҳудудидида тошшағал саралаш заводи қуриш лойиҳалари тайёрланмоқда. Бунинг учун хитойлик ишбилармонлар билан шартнома имзоланди ва йил охиригача соатига 100 тонна тошшағал саралайдиган мини завод технологияси келтириб ўрнатилди. Заводни қуришга сарфланадиган маблағ ҳам топилган. У ишга тушса, корхонада яна 20 та янги иш ўрни яратилади. Энг муҳими, темир-буюмлари таннархи арзонлашади. Бу эса корхонага ҳам, буюртмачиларга ҳам ҳар томонлама манфаат келтиради.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Тармоқ касба уюшма ташкилотларида

Манфаатлар ҳимояси

2-бет

Давра суҳбати

Пенсия тизимида

ўзгаришлар

2-бет

«Инсонга наф келтириш — олий бaxт» танловига

«Саодатли куним...»

3-бет

Инсон ва қонун

Ер низолари

3-бет

Касба уюшмалари ва туризм

Бухорои шариф бўйлаб...

4-бет

Абдулхалиқ ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг 2012 йилнинг биринчи чораги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Сифат ошмоқда

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Дастурни бажариш доирасида жорий йилда амалга оширилган лойиҳалар хусусида батафсил маълумот берилди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида компанияда юк жўнатиш ҳажми 14,9 млн. тоннани ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 фоизни, юк айланмаси 5493 млн. тонна-км.ни, 2011 йилнинг шу даврига таққослаганда 105,1 фоизга бажарилди. Йўловчи айланмаси эса, 814,2 млн. йўловчи-км.ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 109,9 фоизга ортган. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг бош менежери — бош муҳандиси Х.Хосилов ва бошқалар истиклол йилларида мамлакатимизда темир йўл транспорти хизмати сифат жиҳатдан тубдан ўзгарганини қайд этишди. Темир йўллари электрлаштириш борасидаги лойиҳалар бўйича ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда.

Бу, ўз навбатида уларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, эксплуатация сарф-харажатларини қарийб икки баравар қисқартириш, юк ташини таннархини сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Масалан, 187 километрлик Жиззах — Янгийер электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш мўлжалланмоқда. «Мароқанд — Қарши», «Қарши — Термиз» ҳамда «Мароқанд — Бухоро» линияларини электрлаштириш кўзда тутилган бўлиб, айти кўнларда «Мароқанд — Қарши» йўлининг электрлаштирилиши юзасидан ишлар бошлаб юборилган. Эътиборлиси, мазкур лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши қўшимча харажатларни камайтириш, поездлар тезлигини ошириш ҳисобига хизматлар сифатини юксалтириш, юк ташини вақтини 1,2 соатга, йўловчиларни манзилларига етказиш вақтини эса 40 дақиқага камайитириш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш имконини беради. Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олишди.

Нарзулло МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

ОМИЛКОРЛИК САМАРАСИ

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва яратилаётган улкан имкониятлар Наманган вилоятида ҳам ўз самарасини бермоқда.



Тўрақўрғон тумани Сайрам қишлоғидаги «Музафар Тўраев» фермер хўжалиги 2010 йили «Агробанк»нинг Наманган вилоят бўлими кўмаги билан фаолият бошлаган. 1,5 гектар ер майдонида барпо этилган иссиқхонада помидор, бодринг етиштиришни йўлга

қўйган хўжалик аъзолари қисқа фурсатда илгор тадбиркорлик субъектларидан бирига айланди. Бу ерда 15 киши бандлиги таъминланган. Айти кўнларда етиштирилган помидор ва бодринг шигил ҳосилга кирди. Жорий мавсумда омилкорлар 100 миллион сўмдан

ортиқ даромад олишни мўлжалламоқда. Суратда: ишчилар (чапдан) Гуломжон Хасанов, Абдулбори Рустамов, Нурматжон Сайдуллаев.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат

ДАВРА СУҲБАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамкорликда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асослари: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Пенсия тизимида ўзгаришлар

Маълумки, давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, пенсионерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлашда 1993 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қонунга 2011 йил 1 январдан тегишли ўзгаришлар киритилиб, ўз аҳамиятини йўқотган айрим имтиёз ва меҳнат фаолиятининг алоҳида даврларини иш стажига ҳисоблаш механизмлари оптималлаштирилди. Ёшга доир пенсияларни тайинлашда иш стажининг энг кам қуйи чегараси белгилаб қўйилди. Жорий йил 6 январдан мазкур қонунга янги ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Уларга асосан пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олиннадиган ўтган йиллардаги иш ҳақларини пенсия тайинладиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб бериладиган тартибга асосан қайта ҳисобланиши керак. 2012 йилнинг 1 апрел ҳолатида мамлакатимизда пенсия жамғармалари ҳисобида турувчи 2 935 824 нафар фуқаро мавжуд. Жорий йилнинг биринчи чорагида 35 036 нафар фуқарога пенсия тайинланган. Давра суҳбатида таъкидланганидек, улар узлуксиз ва ўз вақтида пенсия билан таъминлаб келинмоқда. 2011 йили бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари тушуми 6,2 трлн. сўмга етиб, прогноз кўрсаткичи 100,5 фоизга уудаланди. Даромад кўрсаткичларининг мунтазам равишда бажарилиши жамғарманинг айланма маблағлари қолдиғи микдорини ошириш имконини бериб, пенсия ва нафақаларни белгилаган мuddатларда

кафолатли молиялаштириш учун зарур маблағларни шакллантирмоқда. 2012 йил учун тушумларни кўпайтириш чоралари ишловчиларнинг суғурта бадаллари ставкасини оширишгагина қаратилгани билан аҳамиятлидир. Олий Мажлис томонидан 2012 йил учун қабул қилинган Давлат бюджет параметрларига мувофиқ, ишловчиларнинг мажбурий суғурта бадаллари ставкасини 4,5 фоиздан 5,5 фоизга кўтариш кўзда тутилган. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ажратмалар ставкаси ўзгаришсиз — 25 фоиз микдорда қолдирилади. Давра суҳбатида жамғарманинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий технологиялар билан таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган, ягона марказлашган маълумотлар базасини шакллантириш имконини берадиган автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш ишлари жадал олиб бориляпти. Ҳозирда «Пенсия» дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб, 2012 йилнинг май ойидан республика бўйича татбиқ этилиши режалаштирилган. Умуман олганда, тизимни замонавий ахборот технологиялари билан қайта жиҳозлаш мақсадида 1,7 мингдан ортиқ компьютер, 600 та принтер ва бошқа коммуникацион усуналар ҳудудий бўлинмаларга етказиб берилган. Жорий йилда 33 та туман, шаҳар бўлимларида таъмирлаш, фуқароларни қабул қилиш хоналарини асосий воситалар билан жиҳозлаш мўлжалланмоқда.

У. ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАСА ҲАМ

Чиқимдор бўлмаслик қайд этилган

Сизнинг 2012 йил 5 апрелдаги 23-сонли хатингизга илова қилинган Наманган вилояти мухбири Дилдора Раҳмонованинг «Мақсадлар муштарак бўлса, ечим осон топилади» сарлавҳали чоп этилмаган мақоласи юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳақиқатдан ҳам «Соғлиқни сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатиши, шунингдек, бепул тиббий хизмат кўрсатиш ҳақми ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланиши қайд қилинган. Шунингдек, давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмининг белгилангандан ортиқча тиббий ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш қўшимча хизматлар бўлиб, аҳоли томонидан белгиланган тартибда ҳақ тўланиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-2107-сонли Фармони асосида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ҳажми (шошилинч тиббий ёрдам, вакцинация ва иммунизация, ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар ҳамда имтиёзли гуруҳга кирувчи шахслар) кўрсатиб ўтилган. Меҳнат Кодексининг 214-моддасида иш берувчи меҳнат шартномасини тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомиди) вақти-вақти билан ходимларни тиббий кўрик-

дан ўтказишни ташкил қилиши шарт эканлиги, тиббий кўриқдан ўтиш жараёнида ходимларнинг чиқимдор бўлмаслиги қайд этилган. Шунингдек, мазкур Кодекснинг 216-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда маблағ ва зарур материаллар ажратилиши, уларнинг бошқа мақсадларга ишлатилишининг ман этилиши кўрсатиб ўтилган. Шу билан бир қаторда мазкур маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувига биноан белгиланиши алоҳида таъкидланган.

А. АЛИМОВ, Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари

Иккинчи масала юзасидан

«Мақсадлар муштарак бўлса, ечим осон топилади» сарлавҳали чоп этилмаган мақолада кўрсатилган банк тизими билан боғлиқ қисм юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни маълум қилади.

Бугунги кунда республикамизда пластик картчалар орқали тўловларни қабул қилиш мақсадида савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектларига қарийб 103,4 мингта тўлов терминналари ўрнатилиб, бу борадаги ишлар доимий равишда давом эттирилмоқда. Фуқароларга даромадларини (иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқалар) пластик картчаларга юклаб олишлари учун худудларда 5 минг 700 тага яқин махсус ускуна (ридер)лар ўрнатирилган. Бундан ташқари, фуқаролар пластик картчалар билан барча турдаги тўловларни амалга ошириши, нақд пул маблағларини олиш мақсадида банк муассасалари, йирик корхоналарда ташкил этилган 9 минг 368 та касса терминаллари, банкومات ва инфокиосклардан даромадла-

рини пластик картчаларга юклаб олиш имкониятига эгалар. Савдо дўконларида ва пуллик хизмат шохобчаларида ўрнатирилган терминналлар фуқароларнинг даромадларини пластик картчаларга юклаб олишига мўлжалланмаган. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ республика ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банклар орқали амалга оширилиши, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юришти, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш банк операцияларидан бири ҳисобланиши, мазкур Қонуннинг

5-моддасида лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти гайриқонуний деб ҳисобланиши ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб қўйилиши белгиланган. Фуқаролик кодексининг 773-моддасига асосан миқоз банкдаги ҳисобварақда турган ўз пул маблағини мустақил тасарруф этади. Банк миқозининг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишни белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларига қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас. Илгари ҳақиқатдан ҳам Агробанк томонидан текинга берилган пластик картчалар бут сақланиши, йўқолиб кетишининг олдини олиш кафолати сифатида миқознинг пластик картчасида 10000 сўм қолдиқ ушлаб туриш амалиёти жорий этилган. Бугунги кунда, пластик картча эгалари талаблари асосида бунга чек қўйилди.

У. МУСТАФОВ, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари

ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИДА

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилоят кенгаши тизимида 2 та тармоқ келишуви, 846 та жамоа шартномалари орқали 82 676 нафар ходим, талаба ва ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатлари ҳимояланмоқда.

Ўтган йили жамоа шартномалари ва жамоа келишувлари орқали кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 89 та оила фарзандлари учун 2,1 миллион сўмлик дарслик ва ўқув қуроллари олиб берилди, 91 та кам таъминланган ёш оилаларга 8,1 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Фарзандлари уч ёшга тўлгунга қадар бўлган 27 нафар аёлга 2,1 миллион сўм моддий ёрдам берилди, 14 нафарга туғишга ва туғишдан кейинги

ҳақ тўланадиган таътиллар куни узайтирилди. Вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг раиси Ёқуб Рустамов кенгашининг III Мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг V, республика тармоқ касаба уюшмасининг I Қурултойлари қарорларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Хусусан, ўтган йилда кичик бизнес субъектларига алоқадор кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 100 та оила фарзандларига 4,1

миллион сўмлик (касаба уюшма ҳисобидан 618,1 минг сўм) ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилинди, 88 та оилага 4,9 миллион сўм, 8 нафар ёлғиз кексаларга 2,1 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди.

қулай меҳнат шароитлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятда 2 та янги мактаб қурилди, 6 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 372 та мактаб жорий таъмирдан чиқарилди. 5 та мактабгача таълим

Вилоят кенгашига келган 14 та ёзма, 200 дан зиёд оғзаки мурожаатлар ижобий ҳал этилди.

Музокараларда сўзга чиққан Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик, Жиззах туманлари касаба уюшма кенгашлари раислари С.Пирматов, Х.Тўрақулова, А.Ғаппоров, О.Исоқжонов, Жиззах Давлат педагогика институтини касаба уюшма қўмитаси раиси К.Исаев ЎзКУФК томонидан бошланғич ташкилотларга катта эътибор берилганлигини таъкидлаш билан бир қаторда, улар фаолиятини янада яхшилаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Мажлиса доимий комиссиялар Низоми ва таркиби тасдиқланиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Абдумонноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ!

Касаба уюшма аъзолиги афзаллигини асослаш орқали сафимизни янада кенгайтириш учун изчил фаолият олиб бораёلمиз. Бунда, айниқас, нодавлат ташкилотларда ишловчи ходимларга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Аъзоликка жалб этиб...

Қурилиш соҳаси билан шуғулланувчи «Анварбек» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида 25 киши меҳнат қилади. Иш берувчи билан бўлган ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликка асосланган музокараларимиз бесамар кетмади. Корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузишга эришдик. И.Нуриятов етакчи этиб сайланди. Ҳар бир ходимга касаба уюшма аъзолик билети топширилди. Бошланғич ташкилот иш берувчи билан ўзаро ижтимоий шериклик асосида фаолият юритиб, муайян ютуқларга эришмоқда. Бу қувонарли, албатта. «Дилавер-Севинч-ҳамкор» хусусий қурилиш ташкилоти ҳақида ҳам ана шундай илиқ сузларни айта туриш мумкин.

Бугунга келиб тармоқ касаба уюшма аъзолари 5816 нафар бўлиб, бу сафимиз 3716 нафарга ортиди деганидир. Янгийер қурилиш ва коммунал хўжалиги, Мирзобод қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Сардоба қурилиш ва коммунал хизмати, Синдоробод қурилиш касб-хунар коллежлари касаба уюшма жамоалари ҳам эндиликда биз билан бақамти ишлашмоқда. Демак, жамоа шартномаларини тузишда ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Токи ҳар бир касаба уюшма аъзоси жамоат ташкилотимизни ўзига яқин таянч ва суянч деб билсин.

Ботир УСМОНОВ, Сирдарё вилоят транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси



Полициячилар ишдан кетмоқда

Италия мансабдор шахсларини бирлаштириб турган касба уюшмаларининг таъкидлашича, мамлакатда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида ишлашга қизиқиш тобора сусайиб бормоқда.

Полициячиларнинг ойлик маоши юқорироқ ва ижтимоий ҳимояси яхшироқ бўлган бошқа соҳаларга ишга ўтиб кетиши натижасида, мамлакат полицияси яқин беш йил ичида 60 фоиз ходимларини йўқотади.

Мамлакатда сўнгги бир неча йил мубайнида полициячилар сафи сезиларли сийрақлашган. Юзлаб полициячилар нафақа ёшига етишлари биланоқ ишдан кетишмоқда.

HSBC иш ўринларини қисқартиради

Европанинг энг йирик банкларидан бири HSBC ўзининг Буюк Британиядаги офисларидан 3167 нафар ходимини ишдан бўшатишни режалаштирмоқда.

Касба уюшмалари HSBC раҳбариятининг ушбу қисқартиришлариға қарши чиқди. «Unité» касба уюшмаси Дэвид Флемингнинг сўзларига қараганда, банк бошқармаси ўз ходимларига нисбатан «беҳадларча» муносабатда бўлмоқда.

HSBC бош директори Стюарт Гулливер фойда курсаткичларини яхшилаш учун 2013 йилнинг охиригача дунё бўйлаб 30 мингга яқин ходимларини ишдан бўшатишни режалаштирган.

Ёлғон чақирув

АҚШнинг Сметл шаҳри полицияси машинасининг ўғирланганини ҳақида полицияга хабар берган кишини қамоққа олди.

Маълум бўлишича, 28 апрел кунги ҳайдовчи ўзининг «Ауди» автомашинасини кимдир олиб қочганини хабар қилиб, 911 тезкор ёрдам хизматиға қўнғироқ қилган.

Полициячилар эса тезда айтган жойға етиб боришган ва «ўғирланган» машинани ва йўловчи ўриндиғини тинчгина ўтирган машинага эгасини қўришган.

Машина эгасининг тушунтиришича, у полицияни дўсти рулга ўтираслиғи учун чақирган, чунки у ҳам ўта маст ҳолатда бўлган. Ҳайдовчининг дўсти ҳақиқатан рулга ўтирмақчи бўлганми-йўқми — ҳозирча аниқ эмас.

Интернет хабарлари асосида Ж. ЮНУСОВ тайёрлади

«ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» ТАНЛОВИГА

Қарши шаҳридаги қатор даволаш профилактика муассасаларида раҳбар бўлиб ишлаган, ўзининг билими ва салоҳияти билан тиббиётимизга ўлкан ҳисса қўшган онколог-жарроҳ Суён ака Тошатов нафақага чиққандан кейин ҳам уйда ўтиролмади.

«Саодатли куним...»

— Тиббиёт институтини тугатиб, вилоят ортопедия-травматология шифохонасида ўн йил ишладим, — дея хотирлайди Тошатов. — Сўнгра соҳа мутасаддилари Қарши шаҳрида янгидан иш бошлаётган 5-катталар поликлиникасига бош шифоқорликка лойиқ қўришди.

ФАНИМИЗ УФҚЛАРИ

Боболардан гап кетса...

Боболаримиз ҳақида гап кетганда қадимги даврларда ҳозирги мустақил Ўзбекистон ҳудудига яшаган сак, массагет, апасиак, ауғасий, печенег, хоразмий, тоҳар, ўғуз, хун, эфталит, хионит, қипчоқ, қарлуқ ва бошқа қабилалар ёлмизига келади.

Хоразм вилояти Ҳазорасп туманига қарашли «Тупроққалъа» мавзесида жойлашган ушбу 2 илмий объектда олиб борилган археологик дала тадқиқот ишлари натижасида милоддан аввалги XV — III асрларга оид ноёб археологик мажмуалар аниқланди.

«Мешекли» атрофида зардуштийлик аъёналари билан алоқадор ноёб маросим ишоотлари гуруҳининг аниқланиши эса археологияимиз тарихида янги босқични бошлаб беради.

Яна битта маросим ишооти илк ўрта асрларга (IV-V асрлар) оид бўлиб, унда куйдириш қондалари билан боғлиқ аъёналар кузатилади.

— Бошланғич ташкилотларимизда ўз ишини севадиган етти нафар бисёр, — дея эътироф этади Суён ака. — Масалан, кўп тармоқли марказий поликлиника касба уюшма кўмитаси раиси Боймурод Чўлиев, 1-болалар шифохонасидан Ҳамдам Тошқуллов, 2-болалар тиббиёт муассасасидан Гулчеҳра Саломова, 3-катталар поликлиникаси касба уюшма кўмитаси раиси Шарофат Ис...

Англаганингиздек, Суён ака Тошатов яхшигина устоз, бундан ташқари, намунали оила бошлиғи. Турмуш ўртоғи Зулайхо она билан икки ўғил ва икки қизни тарбиялашди.

Нилуфар Қарши туманидаги ФХДЭ бўлимида ишласа, Субҳидам Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг технология факультетини тугатди. Мухтасар қилганда, Тошатов бахтиёр замондошларимиздан. Ёши олтишга етса-да, ёшлардек гайрат-шижоатли. Ҳозир ҳам эрта тондан ишхонаси томон шошади.

Дилбар ТЎХТАЕВА, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «Мамлакатда ёшларни касб-хўнарга йўналтириш борасида амалга ошириладиган ишловларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди.

Долзарб мавзуга бағишланди

Конференцияда ёшларни касб-хўнарга йўналтиришга қаратилган давлат сиёсати уларнинг қизиқишлари, қобилиятлари ва имкониятларига мос мутахассисликни эгаллашлариға кўмаклашиш, мазкур йўналишда журналистларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш, уларни бу борадаги маълумотлар билан тўлароқ таъминлаш, ёшларга бўш вақтларини мазмунли ўтказишлариға кўмаклашиш орқали уларни турли иллатлар таъсиридан ҳимоялашда ОАВ вакилларининг масъулиятини кучайтириш каби масалалар муҳокама этилди.

Айни пайтда шаҳарларда «Баркамол авлод» болалар маркази, вилоят болалар маркази, Қорақалғонiston республикасида республика болалар маркази, Тошкент шаҳрида техник-бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология оид республика болалар марказлари фаолият қўрсатмоқда. «Баркамол авлод» болалар марказларидаги тўғра рақлар ишини ташкил этишда, ҳар бир тур бўйича янги, замонавий ўқув дастурларини яратишда республика Бадий академияси, Халқ таълими вазирлиғи тасарруфидати республика Таълим маркази, республика «Хўнарманд» бирлашмаси, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши фаол иштирок этмоқда.

Касб-хўнар коллежлари иш берувчи корхона ва ташкилотларға бириктирилиб, улар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлаштириш бўйича шартномалар тузиш йўлга қўйилди.

Ҳуқумат қарорига биноан олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш мақсадига 277 млрд. сўмдан зиёд маблағни йўналтириш кўзда тутилган.

Ёшларни иш билан таъминлаш ва мутахассисликка йўналтиришда «Мутахассислигин — сенинг келажинг» мавзусидаги қўрсамалар ҳам самарали бўлаётди. Уларни қўздан кеңирган битирувчилар корхоналарда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишаётди.

Шарофат НОРҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

«Namangan Rieltor Savdo» МЧЖ

Вилоят давлат мулк бошқармасининг 2012 йил 30 апрелдаги 18/ас-ер-сонли буйруғига асосан Поп шаҳар Парда Турсун кўчаси ҳудудидан фуқароларға мерос қилиб қолдириш шарти билан, умрбод қилиш қилиш учун, сотиш ҳуқуқисиз, яқна тартибда уй-жой қуриш учун сотиш 0,04 га. дан иборат 1-18-сонли 18 та ер майдонлари ҳар бири 300 000 (Уч юз минг) сўмдан бошланғич баҳода қўйилди.

Аукцион савдоси 2012 йил 4 юни кунли соат 11:00 да вилоят давлат мулк бошқармасининг мажлис залида ўтказилди.

Талабдорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолангандан сўнг 100 000 (Бир юз минг) сўм миқдорда закалат пулини «Namangan Rieltor Savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотечка банк» Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 302162066, 20208000704949150001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

Паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиғи ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ушбу кунда сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади, мазкур савдода қатнашиш учун аризалар ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо голиби деб топилган хариддорлар савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун муддатда олди-сотди шартномасини имзолашлари лозим. Ер майдонлари билан боғлиқ сув, газ, электр энергияси билан таъминланганлиғи, рельефи, алоқа воситалари, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, канализация, транспорт коммуникациялариға боғлиқ шартлар билан танишиш учун

Қўшимча маълумот олиш манзили: «NAMANGAN RIELTOR SAVDO» МЧЖ, Наманган шаҳри Банк кўчаси 9-уй (Вилоят давлат мулк бошқармаси биноси, 1-қават 15-хона), тел: 8 (369) 226-41-66, www.nrs.uz, e-mail: 1nrs@mail.ru



ЕР НИЗОЛАРИ

шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида яшовчи А.Ҳасановнинг кўп йиллардан буюн экан эклиб фойдаланиб келатган 0,08 га ер участкаси ўзининг номиға расмийлаштириб берилган ҳамда унга мазкур ер участкасини мақсадли фойдаланиш ва атрофини ободонлаштириш ишларини олиб бориш топширилган.

ИНСОН ВА ҚОНУН

Бугунги кунда ер ажратиш, фойдаланиш, воз кечиш, умуман, ер билан боғлиқ муносабатлар долзарб ҳисобланади. Бир неча йиллар илгари фуқарога ажратилган ер участкаси ҳозирға қадар фойдаланимай туриши ёки бошқа фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинishi ҳолати кўп учрамоқда.

Масалан, Пастдарғом тумани судига фуқаро А.Ҳасанов укаси, жавобгар И.Ҳасановға нисбатан ер участкасидан мажбурий кўчириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Суд, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириб, жавобгар И.Ҳасановни низоли ер участкасидан мажбурий чиқариш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилган. Ушбу ҳал қилув қароридан норози бўлиб, жавобгар И.Ҳасанов апелляция тартибиде шикоят келтириб, шикоятға низоли ер участкасидан бир неча йиллар давомида фойдаланиб келатганлиғини кўрсатган.

Узбекистон Республикаси Ер кодексининг 31-моддасига кўра, юридик ва jisмоний



Соғлом оила — соғлом фарзанд

«ҚУЁШЛИ» ОФТОБИ

Юр, тоғларга чиқайлик

Баҳорни шоирларга ўхшатишгани бекорга эмас шекли. Бир қарасанг, кун арча ўтин билан қизитилган тандирдек ховур пуркайди, бир қарасанг, хув ўша эртақдаги эчкисини йўқотган кампирдек уввос тортиб қолади.

Тахририят биноси деразасидан кўчани томоша қилиб ўтирарканман, физ-ғиз ўтаётган уловлар шовқини, улар таратаётган ёқилгининг димоққа ўтириб қоладиган ёқимсиз иси анчагина чарчатаётганини билатуриб, соғлигимга тузук эътибор қилмаётганим ҳақида ўйлаб кетдим. Сиз ҳам шу ҳақда ўйлаб турасизми, қадрдон?

Яшириб нима қилдик, баъзида йиллаб ҳордик нималигини билмай ишлаймиз, ҳатто дам олиш кунларимизни ҳам кўпда бесамар совураимиз. Кейин афсус билан ўкинаимиз ҳам. Шулар ҳақида ўйлаб туриб, таклифнома олиб келиб қолишди. Чимён тоғлари бағрида жойлашган «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашлири ҳамкорлигида ташкил этиладиган тармоқ ва ҳамкор ташкилотлар, шунингдек, аппарат ходимлари ўртасида Республика оилавий мусобақалари бўлишини билиб қувониб кетдим.

Тоққа чиқмаганимга анча бўлганди. Мусаффо ҳаво, қушлар сайроғи, ёмғирдан кейинги ўт-ўланнинг димоқ-ёпар иси...

Ўзбекистоннинг қақмоқдай яшаб ўтган шоири Усмон Носирнинг машҳур сатрлари кўзларим остида жаранглагандай бўлди:

Юр, тоғларга чиқайлик, Майли, юр!

Бир ўлка-ки...

Йўл халтага керакли нарсаларни жойлаб, йўлга отландик. Икки автобус тўла одам — ота-оналару ўғил-қизлар, масъулару ҳамкалар.

Шовқин-суронли шаҳарни ортда қолдириб, кўм-кўк адирлар бағрига кириб бордик. Йўл юрғанишим сари табиятнинг жамоли очилиб бораверди. Дарахлар, ўт-ўланлар ёмғирдан кейин янаям яшилликка бурканган. Дилингга эса бир олам равшанлик олиб киради.

Нихоят, «Қуёшли»га етиб бордик. Оромгоҳ дарвозасида бизни кучоқ очиб маскан директори Йўлчибой Раҳимжонов кутиб олди.

Узимизнинг футболчи Йўлчибой акамиз. Бегибир, болаларникидай қувнаб турадиган нигоҳлари одамнинг кўнглига дарров ўрнашиб қолади. Ҳазил-хузуллари билан ҳамманинг кайфиятини кўтаради. Бир мезбон шунча бўлар-да.

Кечки овқатдан кейин ташкил этилган «Маънавият соатлари», кўнгилолар ўйинлар даврага ўзгача руҳ олиб кирди. Кўзлари боғлиқ эру хотинлар ўз жуфтини қидириш билан оввора.

Болалар учун ҳам бири-биридан антика ўйинлар ташкил этилди. Кимдир шөөр айтиб беради, кимдир кўшиқ, Юртдошларнинг юзидаги қувончни кўриб, юртинг тинч, осмонинг мусаффо эканлигига беихтиёр шукрона келтирасан киши.

Тонгдан тунгача

Эртаси кун мусобақанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Майдонда саф тортиган иштирокчилар юртимиз байроғига қараб юзланишди. Мадрҳиямизнинг улугвор садолари янгради. Тадбирда иштирок этган ЎзКўФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ирисмуҳаммад Абдукаримов, жумладан, шундай деди:

— «Соғлом оила — соғлом фарзанд» шиори остида ташкил этилган бутунги мусобақанинг якуний босқичи биринчи бўлиб шу тармоқда, Республика миқёсида ўтказилмоқда. Мазкур тадбир кейинги спорт мусобақалари учун ўзига хос ибрат вазифасини ўтайди. Қолаверса, бундай мусобақалар оиланинг мустақамлигига ҳам таъсир ўтказди, оилавий спортни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшади.

Сўнг мусобақаларга старт берилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтдан, шунингдек, тармоқ касабга уюшмаси ҳамкор ташкилотлари — «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерацияси, «Ўзбек-чармпойабзал» ва «Хунарманд» уюшмалари, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК, «Файз» холдинг компанияси, Енгил саноат ва тўқимачилик институтидан ташир буюрган йигирма бир оилавий жамоа таркибига тўқсон нафарга яқин спортсевар иштирок этган мусобақа таассуротларга бой бўлди.

Саккиз мусобақа — югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш; «Чаққонлик ва мерганлик» эстафетаси (қоп ичида сакраш, баскетбол тўпини саватга ташлаш); «Моҳир ҳужумчи» (кичик дарвозага тўп тешиш); «Овчилар ва қўнлар» (тўп билан майдончадаги рақибни уриб чиқариш); «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боллаймиз» (ҳалқа айлан-тириш ва арқонда сакраш); тезлик эстафетаси; эпчиллик эстафетаси (тен-

нис коптоқчасини қошиқда кўтариб югуриш); арқон тортиш турларида беллашган оилавий жамоалар бир-бирларидан қошиқмасликка ҳаракат қилишди.

Айниқса, болажонларнинг эпчил ва чаққон ҳаракатларини кўриб, хурсанд бўласан. Эртанги куннинг эгалари ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлсагина, келажакни ишониб топишира оласан.

— Оила бутунлигини сақлаш — жамиятнинг ҳамжихатлигини сақлаб қолиш, аслида. Юртимизнинг турли гўшаларида ислоҳот қилувчи оилалар ташир буюрган бу мусобақа иштирокчилар саломатлигининг мустақамлашишига, ҳамжихатликка хизмат қилса, спортга бўлган рабатини оширса, биз ўз олдимизга қўйган вазифани адо этган бўламыз, — деди тармоқ касабга уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ғайрат Зуннунов.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат — оилалар икки гуруҳга — ўғил фарзандли ва қиз фарзанди бор жамоаларга ажратилди. Бунда кучлар нисбати тенг бўлиши назарда тутилган, шубҳасиз.

Яқунда ўғил болали оилалар беллашувларида Нурматовлар оиласи («Файз» холдинг компанияси) ғолибликни қўлга киритган бўлса, Ибрагимовлар оиласи (Қорақалпоғистон Республикаси)га иккинчи бўлиш насиб этди. Абдурахмоновлар оиласи (Енгил саноат ва тўқимачилик институту) эса совриндорлар сафидан қолди.

Қиз болали оилалар ўртасида эса Шодиевлар (Навоий вилояти) барчадан эпчил ва чаққон эканликларини исботлашди. Фарғонадан ташир буюрган Ражабовлар оиласига эса иккинчи ўрин насиб этди. Улардан орт-

да қолмасликка ҳаракат қилган Раҳимовлар оиласи (Андижон вилояти) жамоаси учинчи бўлди.

Эстафета мусобақаларидан алоҳида ўтказилган арқон тортиш баҳсларида эса Туробовлар оиласи (Самарқанд вилояти) барчадан кучли эканликларини амалда намойиш этишди. Сирдарёлик Жониқуловлар оиласи ва «Хунарманд» уюшмаси жамоаси — Нурматовлар оиласи кейинги ўринларни банд этишди.

Бундан ташқари, тармоқ касабга уюшмаси вилоят кенгаши раислари ва аппарат ходимлари ўртасида ташкил этилган «Алломиш ва Барчино» спорт мусобақалари ҳам томошабинларнинг қизғин кўллаб-қувватлашлари остида кечди. «Алломишлар орасида Наманган вилояти кенгаши раиси Мирзоҳид Фуломов барча рақибларини ортда қолдирган бўлса, Илҳом Омонов (Қашқадарё вилояти) ва Баҳодир Мирзаев (Тошкент вилояти)га кейинги ўринлар насиб этди.

«Барчино»лар орасида эса Мугулсум Алламова (Марказий кенгаш), Манзура Қудратова (Навоий вилояти) ҳамда Марзия Исоқова (Марказий кенгаш)ларга тенг келадигани топилмади.

Ҳали яна учрашамиз

— Жуда қизиқарли ва ҳаяжонли беллашувларга гувоҳ бўлдик. Ташкилотчилар томонидан яратилган шароитлар ҳам кўнгиладигдек. Баҳонада дам олдик, соғлигимизни мустақамладик. Бундай мусобақалар давом этаверсин, — деди самарқандлик Бердиёр Туробов.

— Фарзандларимиз роса қувнашди. Уларнинг қувончини кўриб биз ҳам хурсанд бўлдик. Айниқса, мусаффо ҳавода ҳордик чиқариш жудаём ёқимли, — деди оиланинг бекаси Дилором Туробова.

— Ҳар хил жойлардан келган тенгдошларим билан жура бўлдик, улар билан мусобақалашдик. Агар яна шундай мусобақалар бўлса, яна катнашардик, — деди Туробовлар оиласининг ўғли Жавоҳир Баҳридиннов.

Дарҳақиқат, касабга уюшмалари томонидан ташкил этилаётган бундай мусобақалар оилаларимизда соғлом муҳит қарор топишида, улар негизининг мустақамлашишида муҳим омили бўлмоқда, десак янглишмаган чиқаримиз. Зеро, унинг тинч — сен тинч, дейди доно халқимиз.

Аҳдам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири,
Игор ТЕН олган суратлар

САЊАТ ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Юнусобод туман кенгаши томонидан «Ўзбекистон, сени куйлайман!» деб номланган санъат фестивалининг туман босқичи ўтказилди. Унда мактабгача таълим муассасалари ходимлари ва мактаб ўқитувчилари иштирок этди.



«Ўзбекистон, сени куйлайман!»

Миллий кўшиқ ва рақс уйғунлигида ўтган беллашувда 501-мактабгача таълим муассасасининг «Ўзбекистон қизлари» жамоаси биринчи, мактабгача таълим муассасалари мусиқа ўқитувчиларидан таркиб топган «Қизлар» ретро рақс гуруҳи иккинчи, «Дарё тошқин» кўшиғи билан мактаб ўқитувчилари жамоаси учинчи ўринларни банд этишди.

— Ўқитувчи ва тарбиячиларимиз қалбиде санъатга ихлос ва айна вақтда катта истеъдод қирралари яширинганига гувоҳ бўлиб турибмиз, — дейди тармоқ ходимлари касабга уюшма туман кенгаши раиси С. Курепина. — Мустақам оила йилига бағишлаб ўтказилган ушбу фестивалда тармоқ касабга уюшмаларига қарашли МТМ ҳамда мактабларда фаолият юритаётган йигирмадан ортиқ бадий ҳаваскорлик жамоалари ва яқка ижрочилар қатнашди.

Ғолиблар танловнинг шаҳар босқичида қатнашадилар. **Салим АБДУРАҲМОНОВ,** «Ishonch» мухбири

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ТУРИЗМ

Бухорои шариф бўйлаб...

Ўзбекистон КУФК Раёсатининг «Касабга уюшма ташкилотларида туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги қарори сервис хизматини юксалтиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Коллежимиз ўқувчилари ҳамда жамоамизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини эътиборга олиб, махсус дастур асосида мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари билан уларни ақиндан таништириш, тарихий обидаларини намуналарини намойиш этиш орқали мустақил

Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширишни мақсад қилиб қўйганмиз. Айна шунага кўра жамоамиздан қирқ нафар ходим ва ўқувчиларнинг Бухорои Шариф бўйлаб икки кунлик саёхати уюштирилди. Кўхна ва ҳамшиша навқирон Бухоронинг мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқла-

рини кўриб қувондик. Айниқса, Арк, Лабиҳовуз ансамблида бўлганимизда кўнгиларда ўзгача завқ ва ифтихор туйди. Шулар билан бирга маънавиятимиз даргалари-етти пир Ҳазрат Абдуллоҳиқ Фихрувоний, Хожа Муҳаммад Ориф Ар Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Рометаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Қуллол, Ҳазрат Баҳоуддин Нахшбанд туғилиб ўсган тибаррук жойларда бўлиб, уларнинг мақбара ва қадамжоларини зиёрат қилдик. Истиклол туфайли бу зиёратгоҳлар ўзга-

ча оро ва сайқал топганлигини қалбан ҳис этдик. Улуг бобомиз Алишер Навоий етти пирнинг бири ҳақида шундай ёздилар:

«Ҳазрат Хожаи Жаҳон (яъни Абдуллоҳиқ)га Оллоҳ шундай улуг бир даражани бердики, ҳар вақт намозда Каъбага борар эрдилар».

Бухоролик етти пир ҳақидаги ажайиб маълумотлар ҳар биримизда катта таассурот қолдирди.

Ҳоҷал ҲАМРОҚУЛОВА,
Жиззах тибийот коллежи касабга уюшма қўмитаси раиси

КҮРИК-ТАНЛОВ

Энг намунали ҳарбий оила

Шимолий-ғарбий ҳарбий округ тасарруфидаги ҳарбий қисмлар ўртасида «Энг намунали ҳарбий оила» кўрик-танлови ўтказилди. Унда олти ҳарбий оила ўзаро мусобақалашди.

— Саҳнага чиқиб томошабинлар олдида шартларни бажариш жудаям масъулятли вазифа экан. Сафдошларим ишончи, далда-

си менга куч бағишлаб турди, — дейди ғолибликни қўлга киритган сержант Ешжанов. Ғолиб ва иштирокчилар ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

М.ҚОБУЛОВА,
Шимолий-ғарбий ҳарбий округ касабга уюшма қўмитаси раиси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши тасарруфидаги туман, шаҳар касабга уюшма кенгашлирига таалуқли мурожаат, шикоят ва тақлифлар бўлса, Вилоят кенгашининг қуйидаги ишонч телефони-га кўнгирак қилишингизни сўраймиз.
Тел: 8 (371) 254-72-78



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,

Muhammad Ali AHMEDOV,

Oksana BELAUSOVA,

Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Baxtiyor MAHMADALIYEV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV,

Eson RAJABOV,

To'lqin TESHABOYEV,

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib)

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68;

Buxoro + 99893 653 50 81;

Jizzax + 99872 360 00 10;

Navoiy + 99894 226 28 84;

Namangan + 99897 491 79 28;

Samarqand + 99866 708 70 12;

Surxondaryo + 99897 458 05 07;

Farg'ona + 99873 221 93 19;

Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;

Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,

«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail:

Ishonch2012@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

N.Rafiqov

Navbatchi:

S. Abdurahmonov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi:

H. Abdullilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmasida chop etildi. Korxonaning manzili:

«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning sheshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart.

Mualliflar fikri ta'biriyot nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

h - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida O116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. 72x108mm

Bosishga topshirish vaqti - 21.00

Topshirildi -22.00

Buyurtma G - 511

21945 nusxada bosildi

1 3 4 5